



АНГЛИЯДА ЧЕТ ЭЛ ТИЖОРАТ АРБИТРАЖИ ҚАРОРЛАРИНИ ТАН ОЛИШ ВА ИЖРОГА ҚАРАТИШНИНГ ТАРИХИЙ ЭТАПЛАРИ.

Хуршид Ашрапович Махмудов

ТДЮУ фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал
ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7601611>

Аннотация: Бугунги кунда, тадбиркорлар ва хорижлик инвесторларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам қонунчилик базасини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мақолада Англияда чет эл тижорат арбитражи қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш қонунчилик базаси таҳлил қилинган ҳолда ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: Умумий ҳуқуқ, қироллик судлари, ҳакамлик судлари, арбитраж келишувлари, инглиз арбитраж ҳуқуқи, арбитраж қарори

Annotation: Today, it is important to form a strong legal framework for the protection of rights and interests of entrepreneurs and foreign investors. This article in this article, the legal framework analyzes the legal framework of the recognition and focus of the execution of foreign commercial arbitration decisions in the England.

Keywords: general right, arbitration courts, arbitration agreements, English arbitration, arbitration decision

Аннотация: Сегодня важно сформировать сильную правовую основу для защиты прав и интересов предпринимателей и иностранных инвесторов. В этой статье в этой статье правовая база анализирует правовую основу признания и фокусировки принятия решений иностранных коммерческих арбитраж в Англии.

Ключевые слова: общее право, арбитражные суды, арбитражные соглашения, английский арбитраж, арбитражное решение.

Англияда чет эл тижорат арбитражи қарорларини тан олиш ва ижро этиш учун ҳуқуқий ҳужжатлар узоқ вақт давомида ишлаб чиқилган¹. Ушбу даврни бир неча босқичларга бўлиш мумкин. Ҳар бир босқичда чет эл суд ва арбитраж қарорини тан олиш ва амалга ошириш учун бир неча ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланилган. Шу муносабат билан Англияда чет эл суди ва арбитражи борасидаги ҳуқуқий ҳужжатларнинг ривожланишини умумий ҳуқуқ даврига ва арбитраж даврларининг низомларига бўлишимиз мумкин.

¹ Parker The History and Development of Commercial Arbitration (5th Series Magnes Press Jerusalem 1959) 5-59. A Tweeddale and K Tweeddale A Practical Approach to Arbitration Law (1 st edn Blackstone Press Limited Great Britain 1999) 1-13.





Умумий ҳуқуқ даври

Умумий ҳуқуқ Англияда ўрта асрларда, Қирол Эдвард I ҳукмронлигидан бошлаб 1485 йилгача ривожланди². Ушбу даврда савдогарлар бутун Европа бўйлаб ярмаркадан ярмаркага саёҳат қилиб, халқаро операцияларни амалга оширувчи шахслар сифатида танилган³. Ярмаркалар ва бозорлар судлари бу даврда савдо низоларини ҳал қилувчи ягона суд сифатида эътироф этилган⁴. Бироқ, кейинчалик қироллик судлари тижорат савдо низоларида устунлик қила бошладилар⁵. Англияга келган хорижий савдогарлар бу судлар томонидан ҳимояланмаган, чунки ўша давр қонунларига асосан, агар томонлардан бири чет эл фуқароси бўлса, бу судлар ҳукми ижро этиш ваколатига эга бўлишмаган⁶.

Арбитражнинг илдизлари қирол судларидан анча олдин кузатиш мумкин ва кейинчалик Шекспир унга ўзини асарларида ишора қилиб ўтган⁷.

XV аср низоларни эса ҳал қилиш усулларининг ривожланишига гувоҳ бўлди. Ушбу даврда арбитраж тижорат низоларини ҳал қилиш воситаси сифатида танилган. Ушбу ривожланишнинг далили сифатида 1424 йилда Лондон шаҳар мерияси судида чиқарилган қарорни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Умумий ҳуқуқда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ижро этиш масаласига келсак, у фақат келишув бузилиши асосида даъво қўзғатиш орқали амалга оширилиши мумкин бўлган⁸. Аммо, шуни инобатга олиш зарурки, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори суднинг ҳукми сифатида уни ижро этилиши мумкин бўлмаган⁹. Фақатгина ўша пайтларда нашр этилган ишлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, 1927 йилда Англия судлари умумий ҳуқуққа мувофиқ, Норске Атлас суғурта компанияси ва Лондон Генерал суғурта компанияси ўртасида бўлиб ўтган чет эл тижорат арбитражи қарорини ижро этишган¹⁰.

Арбитраж даврида қабул қилинган низомлар

² AKR Kiralfy Potter's Historical Introduction to English Law and its Institutions (4th edn Sweet and Maxwell Limited London 1962) 30.

³ AKR Kiralfy Potter's Historical Introduction to English Law and its Institutions (4th edn Sweet and Maxwell Limited London 1962) 35.

⁴ AKR Kiralfy Potter's Historical Introduction to English Law and its Institutions (4th edn Sweet and Maxwell Limited London 1962) 35.

⁵ AKR Kiralfy Potter's Historical Introduction to English Law and its Institutions (4th edn Sweet and Maxwell Limited London 1962) 35.

⁶ AKR Kiralfy Potter's Historical Introduction to English Law and its Institutions (4th edn Sweet and Maxwell Limited London 1962) 35.

⁷ AKR Kiralfy Potter's Historical Introduction to English Law and its Institutions (4th edn Sweet and Maxwell Limited London 1962) 35.

⁸ A Tweeddale and K Tweeddale. Op. Cit. 5.

⁹ A Tweeddale and K Tweeddale. Op. Cit. 5.

¹⁰ (1927) 28 Li. LR 104.





Англияда бир қатор арбитраж актлари қабул қилинган бўлиб, биринчиси 1698 йилда қабул қилингандир (9 ва 10-сонли Will 3 Низоми, с 15)¹¹. Ушбу Қонунга асосан, агар суд қарорини қабул қилишда хатоликка йўл қўйилса, суд қарорни бекор қилиши мумкин эди. Яъни, агарда суд қарор хато мавжуд ёки мавжуд эмаслиги сабабли қарорни ижро этиши ёки ижро этмаслиги мумкин.

1698-йилда қабул қилинган Арбитраж актининг такомиллаштирилиши натижасида, 1854-йилда қабул қилинган “Умумий ҳуқуқ тартиб-қоидалари тўғрисида”ги Қонун ўша даврда тижоратга алоқадор қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қилган¹². Ушбу қонун замонавий арбитраж ҳуқуқининг асоси ҳисобланиб, унда ҳакамлик судлари учун янги ваколатларни беришни кўзда тутган¹³.

Ўн тўққизинчи асрда эса Англия, айниқса, пароход ихтиро қилингандан сўнг, савдо дунёсининг марказида жойлашган саноат мамлакатига айланди, бу ушбу давлатда савдо-сотиқнинг кенг кўламда ривожланишига олиб келди. Ушбу янги ривожланиш 1854 йилда қабул қилинган “Умумий ҳуқуқ процессуал Акти”нинг қайта кўриб чиқишига олиб келди¹⁴. 1889 йилда қабул қилинган “Арбитраж акти” ушбу олдин қабул қилинган “Арбитраж Акти” ўрнига келди. Ушбу қонунда судларнинг тижорат арбитражи устидан назоратини кучайтирилган ва у ҳали ҳам Англияда арбитраж қоидаларини ишлаб чиқиш учун мезон сифатида қаралмоқда. Шунингдек, ушбу “Арбитраж Акти” Англияда савдо қай даражада ривожланганлигини ҳам акс эттирган. Ушбу қонун Англияда 1934-йилгача амал қилган¹⁵.

1889 йилда қабул қилинган Арбитраж Акти ва 1934 йилда қабул қилинган Арбитраж акти амалда бўлган муддат давомида, Англияда 1924 йилда Арбитраж келишувлари (Протоколи) қонуни ва 1930 йилда қабул қилинган Арбитраж (Чет эл суд қарорлари) қонунлари ҳам амалда бўлган¹⁶. 1924 йилда Арбитраж келишувлари (Протоколи) қонуни хорижий арбитраж қарорлари билан боғлиқ бўлган биринчи қонун бўлиб, унга асосан 1923 йилда Женева Протоколи қабул қилинган¹⁷. Ушбу Женева Протоколи асосида эса, 1927 йилда хорижий арбитраж

¹¹ Parker. Op. Cit. 14 б.

¹² MJ Mustill and SC Boyd The Law and Practice of Commercial Arbitration in England (2nd edn Butterworths United Kingdom 1989) 440.

¹³ Parker. Op. Cit. 19 б.

¹⁴ Parker. Op. Cit. 19 б.

¹⁵ Parker. Op. Cit. 19 б.

¹⁶ A Tweeddale and K Tweeddale. Op. Cit. 11.

¹⁷ A Tweeddale and K Tweeddale. Op. Cit. (footnote 2) 11





қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш бўйича Женева конвенциясини қабул қилинган¹⁸. Натижада, 1924-йилда қабул қилинган Арбитраж келишувлари (Протокол) қонуни ва 1930-йилдаги Арбитраж (Хорижий қарорлар) тўғрисидаги Акт Англияда чет эл арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш бўйича биринчи қонунлардан ҳисобланади.

1927 йилда Маккиннон қўмитасининг тавсияномаси асосида 1934 йилда Арбитраж тўғрисидаги Акт қабул қилинди. Ушбу қонунда арбитраж мавзулари ва терминологиясига оид қоидаларга кўплаб ўзгартиришлар киритилди¹⁹.

1950 йилдан 1996 йилгача бўлган давр мобайнида Англияда 1950 йилда қабул қилинган янги Арбитраж актида бошлаб, бир қатор Арбитраж актлари қабул қилинди²⁰. Ушбу Арбитраж акти 1889 ва 1934 йиллар оралиғида қабул қилинган аввалги барча Арбитраж актларини бекор қилди²¹. Ушбу Арбитраж Актининг III қисмида 1889 йилдаги Арбитраж акти тўғрисидаги қонун, 1924 йилдаги Арбитраж келишувлари (Протокол) тўғрисидаги Акт ва 1934 йилдаги Арбитраж тўғрисидаги Акт шу билан бекор қилинган деб ҳисобланиши аниқ кўрсатиб ўтилган.

Бир оз вақт ўтганидан сўнг, 1965 йилда Вашингтон конвенциясини кучга киритиш учун 1966 йилда Арбитраж (Халқаро инвестиция низолари) Акти қабул қилинди. Лекин 1975 йилга келиб янги Арбитраж акти қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг асосий мақсади хорижий арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги 1958 йил Нью-Йорк конвенциясини кучга киритиш эди. 1979 йилда эса яна янги Арбитраж акти қабул қилинди. Ушбу Қонун қонун ҳужжатлари бўйича мурожаатларга нисбатан янги тартибни жорий қилди. Бироқ, бу икки Акт (1975 йил ва 1979 йилларда қабул қилинган Арбитраж актлари) 1996 йилдаги Арбитраж Акти билан бекор қилинган²². Умумий қилиб айтганда, 1966 йилда қабул қилинган Арбитраж акти 1950, 1975, 1979 йилларда қабул қилинган Арбитраж актлари, 1988 йилда қабул қилинган Истеъмолчи арбитраж шартномаси тўғрисидаги қонун ва Умумий қонун томонидан тақдим этилган турли қоидаларнинг бирикмаси ҳисобланади²³. Ушбу ҳолат инглиз арбитраж ҳуқуқида мутлақо янги нарса ҳисобланади²⁴.

¹⁸ J Hill The Law Relating to International Commercial Disputes (2nd edn LLP London 1998) 69.

¹⁹ A Tweeddale and K Tweeddale. Op. Cit. (footnote 2) 12-13.

²⁰ A Tweeddale and K Tweeddale. Op. Cit. 14-15.

²¹ A Tweeddale and K Tweeddale. Op. Cit. 14-15

²² Sch 4 of Arbitration Act 1996.

²³ MJ Mustill and SC Boyd Commercial Arbitration: 2001 Companion Volume to the 2nd Edition





Англияда бугунги кунда чет эл арбитраж қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш

Буюк Британия (Англия, Уэлс, Шотландия ва Шимолий Ирландияни ўз ичига олади) 1958 йилдаги “Хорижий арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги” Нью-Йорк конвенцияси (“Нью-Йорк конвенцияси”) аъзоси ҳисобланади ва ушбу Конвенцияга асосан бошқа аҳдлашувчи Нью-Йорк конвенциясини имзолаган давлатларда қабул қилинган хорижий арбитраж қарорларини тан олади ва ижрога қаратади.

Аксарият ҳолларда арбитраж қарори яқуний ва томонлар учун мажбурий бўлса-да, арбитраж қарори бевосита ижро этилишига қодир эмас. Натижада, хорижий арбитраж қарори ижро этилиши керак бўлган мамлакат судининг ёрдамига мурожаат қилиш керак.

Англия ва Уэлсдаги арбитражларни тартибга солувчи қонун 1996 йилдаги Арбитраж акти арбитраж судининг жойи Англияда бўлиш бўлмаслигидан қатъи назар, Англия ва Уэлсда юзага келадиган арбитражларга оид масалаларни тартибга солади²⁵. Шундай қилиб, агар томон Англия ва Уэлсда хорижий арбитраж қарорини тан олиш ва ижрога қаратилиши хоҳласа, томонлар ушбу қонунни ҳам инобатга олишлари лозим. Ушбу 1996 йилдаги Арбитраж акти асосида Нью-Йорк конвенцияси кучга кирган ва амалга оширилган.

Шунингдек, 1996 йилда қабул қилинган Арбитраж актига кўра, чет эл арбитраж қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишнинг қуйидаги уч хил йўл билан амалга оширилади:

1. Нью – Йорк Конвенциясига асосан чет эл арбитраж қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш (1996 йилдаги Арбитраж акти 100-103 моддалари)²⁶;
2. 1997 йилда қабул қилинган Фуқаролик процесси қоидаларига асосан, чет эл арбитраж қарорини огоҳлантирмасдан амалга ошириш²⁷;
3. Томонлар арбитраж битимини имзолаганларида қарорни бажаришга рози бўлган назарда тутилган муддатни бузганлик учун суд қарори бўйича “даъво” қўзғатиш. Бунда олти йиллик чеклов мавжуд бўлган янги тартибдир.

(Butterworths London 2001) 3

²⁴ AH El-Ahdab (tr) Arbitration with the Arab Countries (Kluwer Law and Taxation Publishers Deventer 1990) 331.

²⁵ [https://www.lewissilkin.com/en/insights/enforcing-arbitral-awards-in-england-and-wales#:~:text=The%20Arbitration%20Act%201996%20\(the,have%20regard%20to%20the%20Act.](https://www.lewissilkin.com/en/insights/enforcing-arbitral-awards-in-england-and-wales#:~:text=The%20Arbitration%20Act%201996%20(the,have%20regard%20to%20the%20Act.)

²⁶ <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1996/23/contents.>

²⁷ <https://www.justice.gov.uk/courts/procedure-rules/civil/rules/part66.>

